



**PARTICIPATION OF THE UNITED ARAB EMIRATES IN ETHNO-CONFESSIONAL PROBLEMS IN THE MIDDLE EAST
(IN THE EXAMPLE OF CONFLICTS IN YEMEN)**

Behzod Ikrambekovich Soipov

researcher

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

e-mail: behzod.soipov@mail.ru

ABOUT ARTICLE

Key words: UAE, Yemen, ethno-confessional, Houthis

Received: 28.04.24

Accepted: 30.04.24

Published: 02.05.24

Abstract: This thesis describes the instability and complexity of ethno-confessional problems in the countries of the Middle East region using the example of conflicts in Yemen, as well as the participation of the United Arab Emirates in this conflict and analyzes their role in ensuring security in the region.

**БИРЛАШГАН АРАБ АМИРЛИГИНИНГ ЯҚИН ШАРҚДАГИ ЭТНО-
КОНФЕССИОНАЛ МУАММОЛАРДАГИ ИШТИРОКИ
(ЯМАНДАГИ НИЗОЛАР МИСОЛИДА)**

Беҳзод Икрамбекович Соипов

тадқиқотчи

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

e-mail: behzod.soipov@mail.ru

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: БАА, Яман, этно-конфессионал, хусийлар

Аннотация: Ушбу тезисда Яқин Шарқ минтақаси давлатларидаги этно-конфессионал муаммоларнинг қалтислиги ва мураккаблиги Ямандаги зиддиятлар мисолида баён қилинган бўлиб, ушбу можарода Бирлашган Араб Амирлигининг иштироки ва унинг минтақадаги хавфсизликни таъминлашдаги роли таҳлил қилинган.

УЧАСТИЕ ОБЪЕДИНЕННЫХ АРАБСКИХ ЭМИРАТОВ В ЭТНОКОНФЕССИОНАЛЬНЫХ ПРОБЛЕМАХ НА БЛИЖНЕМ ВОСТОКЕ (НА ПРИМЕРЕ КОНФЛИКТОВ В ЙЕМЕНЕ)

Бехзод Икрамбекович Соипов.

Исследователь

Ташкентского государственного университета востоковедения

Ташкент, Узбекистан

E-mail: behzod.soipov@mail.ru

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: ОАЭ, Йемен, этноконфессионально, хуситы.

Аннотация: В данном тезисе описываются нестабильность и сложность этноконфессиональных проблем в странах Ближневосточного региона на примере конфликтов в Йемене, а также участие Объединенных Арабских Эмиратов в этом конфликте и анализируется их роль в обеспечении безопасности в регионе.

КИРИШ

Яқин Шарқ географиясида халқаро муносабатларни белгилашда этно-конфессионал тузилманинг кучи дунёнинг бошқа қисмларига қараганда таъсирлироқдир. Яқин Шарқ этно-конфессионал гуруҳлар, субмиллий ижтимоий тузилмалар ва анъаналар ҳали ҳам тирик бўлган минтақадир. Ушбу географияда халқаро муносабатлар ва стратегиялар асосан юқорида тилга олинган ва ҳали ҳам жуда нуфузли бўлган этно-конфессиёнал гуруҳлар, субмиллий ижтимоий тузилмалар ва жамиятларнинг анъанавий тузилиши билан белгиланади. Минтақанинг деярли барча давлатларида этно-конфессионал масала ўта нозик ва қалтис тузилмаларга эга бўлганлиги боис, этно-конфессионал низоларнинг пайдо бўлиши осон бироқ ҳал қилиниши ўта мураккабдир. Шундай можаролардан бири Ямандаги низоларни келтиришимиз мумкин.

АСОСИЙ ҚИСМ

Бир пайтлар минтақанинг энг бахтли ва гуллаб-яшнаган мамлакати бўлган ва римликлар босиб олгандан кейин фаровон ва унумдор деган маънони англатувчи “Арабия Феликс” (Бахтли Арабистон) деб атаган Яман кўп йиллар давомида ички низолар ва инкилоблар билан курашмоқда.[1] Уммон ва Саудия Арабистони ўртасида жойлашган Яман, денгизга ва денгиз савдосига очилган кўрфаздаги Арабистон ярим оролининг юзи бўлса, Боб ал-Мандеб бўғози нафақат Яманни, балки Эритрея, Судан, Миср, Исроил, Иордания, шунингдек, Саудия Арабистони каби мамлакатларни Ҳинд океанига ва шу тариқа жаҳон савдосига боғлайди.[2]

Яман аҳолиси нисбатан зич яшайдиган араб давлатидир. 2017-йилги маълумотларга кўра, мамлакатда 27 миллионга яқин одам яшайди. Мусулмон аҳолисининг қарийб учдан бир қисми (10 миллион кишигача) зайдий шиалар бўлиб, асосан Шимолий Яман ҳудудида - собиқ Яман Араб Республикаси ва ҳозирги пойтахти Санада жойлашган. Ғарбда собиқ Жанубий Яман ҳудудида истиқомат қилувчи шофеъий ва ҳанафий мазҳабидаги суннийлар кўпчиликти ташкил қилади.[3]

Жанубий Яман 1967-йилгача инглизлар қўл остида экан, шимолий Яман 1918-йил Биринчи Жаҳон уруши тугаши арафасида Ҳамидуддинлар оиласидан Зайди Имом Яҳё бошчилигида мустақиллигини эълон қилади. Имом Яҳё асос солган тузум шиаликка асосланган монархия эди ва “совуқ уруши”нинг дастлабки даврларида социалист блок бўлган СССР, Хитой ва Миср билан яқин ҳамкорликти йўлга қўяди. Инглизларнинг қўл остида бўлган Жанубий Яманда дастлаб Шарқ, Ғарб ва Адан кўринишидаги уч бошқарув тузилади ва шу тариқа шимолдаги Зайдийларга қарши жанубдаги суннийлар ўртасида мувозанатни сақлашни мақсад қилади. Шундай қилиб, Яманда икки давлатчилик пайдо бўлди ва иккиси орасида бўлиниш, зиддият ва қуролли тўқнашувлар кучайиб борди.

90-йиллардан Зайдий диний етакчиси Ҳусайн ал-Ҳусий (Ҳутий) бошчилигида ҳусийлар Яман президенти Али Абдуллоҳ Солиҳга муҳолифат ҳаракати сифатида пайдо бўлди. 2000-йиллар ҳусийлар ва Солиҳ кучлари орасида тўқнашувлар бўлиб ўтади. Бу қарама-қаршилик 2011 йилги “Араб баҳори”дан кейин янада кескинлашиб кучайиб кетади. 2015 йилда Солиҳ ҳокимиятини ҳимоя қилиш ва ҳусийларнинг жангари гуруҳларини йўқ қилиш учун Саудия Арабистони бошчилигидаги коалиция Яманга бостириб киради.

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) Яманга қўшин киритишда Саудия Арабистонини тўлиқ қўллаб қувватлади ва иштирок этди. Аммо Саудия Арабистони ва БАА Яманда жуда бошқача мақсадларга эга. Саудия Арабистони ягона, умумий мақсадга эга: Ҳусийларни Санодан сиқиб чиқармоқ, президент Абду Раббу Мансур Ҳодини ҳокимиятга қайтариш ва жанубий чегарасида Эрон билан мустаҳкам алоқага эга Ҳизбуллоҳга ўхшаш гуруҳ пайдо бўлишининг олдини олиш.[4]

Бошқа томондан, БАА Яманда учта аниқ мақсадни қўйган, уларнинг ҳар бири ўзининг кенгроқ минтақавий стратегиясини таъминлайди:[5] Биринчидан, у яхши иттифокчи ва шерик бўлишни хоҳлайди. Бу ҳутийларга қарши курашда ҳарбий ёрдам сўраган Саудия Арабистони билан боғлиқ. Аммо БАА ҳам Америка Қўшма Штатларига – Амирлик ташқи сиёсатининг бошқа муҳим давлатига – Яманда Ал-Қоида ва Ироқ ва Шом “Исломий давлат”га қарши курашда ёрдам берди. Иккинчидан, БАА бутун Яқин Шарқда

Мусулмон Биродарларини заифлаштирмакчи бўлди, бу Яманда Ислоҳ партиясини англатарди. Учинчидан, ўзини тижорат ва логистика маркази сифатида кўрсатиш стратегиясининг бир қисми сифатида БАА бутун минтақадаги стратегик қирғоқ ва юк ташиш йўлакларига устувор аҳамият берди.

Саудия Арабистони 2015-йил март ойида Яманга аралашуви бошланганини эълон қилганидан кўп ўтмай, БАА Аданга бир қатор қўшин киритди ва июль ойида маҳаллий иттифоқчилар билан бирга ҳусийларни жанубий порт шаҳридан сиқиб чиқарди. Аммо ҳусийларни Санодан чиқариш муваффақ бўлолмади.[6]

2019-йилга келиб, БААнинг Яманда йирик чекинишига мажбур қилган учта сабаб пайдо бўлди:[7] Биринчидан, Ямандаги жанглarda қуруқликдаги қўшинлари нисбатан кам бўлган Саудия Арабистонидан фарқли ўлароқ, БАА номутаносиб равишда кўп қурбонларга дучор бўлди ва унинг халқ олдидagi жавобгарлик оқибатлари оғирлашиб борди. Иккинчидан, Саудия Арабистони урушининг Ёарбдаги йирик харажатларини ўз зиммасига олган бўлсада, БАА ўзининг Ямандаги мавжудлигини оқлашда қийнала бошлади, айниқса қийноқлар, қотилликлар ва зўрлик билан ғойиб бўлишлар ҳақидаги такрорий даъволар фонида БААни имижига путур ета бошлади. Ниҳоят, ва эҳтимол энг муҳими, уч йиллик маҳаллий прокси кучларни ўқитишдан сўнг, БАА ўз қўшинлари олиб чиқиб, кўпроқ прокси урушини олиб боришга урғу бера бошлади.

Умуман олганда, Ямандаги низолар БАА нуктаи назарига кўра минтақада хавфсизликни издан чиқарувчи омил ҳисобланади. Шу боис, БААнинг ундаги иштирокини кўришимиз мумкин. Шунинг ҳам айтиш лозимки, БАА алоҳида сунний гуруҳларни қатъий қўллаб-қувватловчи позицияга ҳам эга эмас, балки, мусулмон дунёсида турли масҳабий, этник ва конфессионал можароларнинг олдини олишга қаратилган ташқи сиёсат олиб боришга ҳаракат қилади.

ХУЛОСА

Хулоса қилганда, Яқин Шарқ минтақаси ўта қалтис ва мураккаб этно-конфессионал тузилмага эга ва ҳар қандай вазиятда “портлаш эффекти” характерли ўта нозик минтақадир. Бу мавжуд можароларнинг бошланиши қулай аммо тугаши ёки ҳал бўлиши мураккаблигини англатади. Яманда вазият ички ва ташқи кучлар таъсирида янада оғирлашмоқда. БАА минтақада Яман “эффектини” кучайиб кетишини олдини олиш учун ҳаракат қилаётган бўлсада, самарали натижага эришолмаяпти деб хулоса қилиш мумкин.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. YEMEN: A Brief Background, <https://unfoundation.org/what-we-do/issues/peace-human-rights-and-humanitarian-response/yemen-a-brief-background/>

2. Alain G., Les damnés de la mer: les pirates somaliens en mer Rouge et dans l'océan Indien, Diplomatie, 40, 2009, http://archives-fig-st-die.cndp.fr/actes/actes_2009/gascon/article.html
3. Фролов А.В. Йемен: маргинальная война?. – Обозреватель-Observer. – 2017. – № 12. – С. 32-33.
4. Neil Partrick. (2016). “What Does Saudi Arabia Want in Yemen?” Carnegie Endowment for International Peace <https://carnegieendowment.org/sada/64525>
5. Dogan-Akkas, B. (2021). “The UAE’s foreign policymaking in Yemen: from bandwagoning to buck-passing.” Third World Quarterly, Vol.42, No.4, pp:717–735.
6. May Darwich. (2018). “The Saudi Intervention in Yemen.” The Gulf on the verge global challenges and regional dynamics, Vol.20, No.2, pp:125-142.
7. Aziz El Yaakoubi. (2019). “UAE troop drawdown in Yemen was agreed with Saudi Arabia: official.” Reuters <https://www.reuters.com/article/idUSKCN1U31XS/>